

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Жумамуратова Айжамал Кошербай қызы

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 316-ўқув гуруҳи курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18218846>

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқатворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти, унинг тушунчаси, асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, ушбу йўналишдаги хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибалари ёритилган, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқатворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, ғайриижтимоий хулқ-атвор, якка тартибдаги профилактика, хорижий давлатлар, олдини олиш.

Аннотация: В данной статье освещены деятельность инспектора по профилактике по работе с лицами с антисоциальным поведением, его понятие, основные направления, особенности, организационно-правовые основы, передовой опыт зарубежных стран в данном направлении, проанализированы существующие проблемы в деятельности инспектора по профилактике по работе с лицами с антисоциальным поведением и разработаны предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, антисоциальное поведение, индивидуальная профилактика, зарубежные страны, предупреждение.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ўтказиладиган якка тартибдаги

профилактикасини амалга оширишда илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини мамлакатимизда имплементация қилиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил Олий Мажлисга йўллаган мурожаатида *“Сўнгги тўққиз йилда биз сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Иқтисодиётимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтирдик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда”*¹ деб таъкидлаган.

Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар - бу шахснинг умумий қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормаларига риоя қилмаслиги. Бу бошқаларга зарар етказмайдиган ахлоқий нормаларни бузишда, шунингдек, бошқаларни хавф остига қўядиган ноқонуний ҳаракатларда намоён бўлади. Бу хатти-ҳаракатлар бошқаларга, рақибларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳурматсизликни, конструктив муносабатларни сақлаб қолишни истамаслик ва қодир эмасликни англатади².

Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар жанжаллар, ҳужумлар, очиқ тажовузкорлик ва гиёҳвандликни ўз ичига олади. Бундай шахслар масъулият ҳисси паст бўлиши мумкин ва мунтазам равишда ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишга қодир. Айбдорлик атрофияси камаяди ва одам энди буни ҳатто кичик ҳуқуқбузарликлар учун ҳам ҳис қилмайди³.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”⁴ги ЎРҚ-371-сон Қонунининг 3-моддасида асосий тушунчалар келтирилган бўлиб, унга **кўра: ғайриижтимоий ҳуқуқ-атвор** — шахснинг жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги. **Ҳуқуқбузарлик** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Профилактика инспектори кўплаб тоифадаги ғайриижтимоий ҳуқуқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаши мумкин. Булар: 1-Алкогол

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2025 yil Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. <https://president.uz/oz/lists/view/8834>.

² <https://teledocor24.ru/article/501-14-asotsialnoe-povedenie/>.

³ <https://teledocor24.ru/article/501-14-asotsialnoe-povedenie/>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ 371-сон. <https://lex.uz/docs/2387357>.

махсулотлари истеъмом қилувчи шахслар, мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмом қилувчи ва шу алкоголь махсулотларга тобе бўлиб қолган шахслар, ушбу тоифадаги шахсларнинг иродаси бўш бўлиб ўз хатти-харакатларини хар доим ҳам назорат қила олишмайди. 2-Енгил табиатли аёллар, ўзининг хулқ-атвори билан одоб ахлоқ қоидаларини бузувчи, шунингдек моддий манфаатни кўзлаган ёки кўзламаган холда ўз танасини сотувчи аёл. 3-Илгари судланган аммо тузалиш йўлига кирмаганлар, суд томонидан жазо тайинланиб ижро этилган бўлишига қарамай бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган шахслар. 4-Оилавий жанжалкашлар, юқори даражада нотинч, ўзига ишонмаган, жаҳли тез чиқувчи ва тез хулоса қилувчи, маънавий-ахлоқий тарбиянинг етарли бўлмаган, ҳуқуқий билим савиясининг паст бўлган инсонлар. 5-Ўзининг ғайриижтимоий хулқ атвори билан ажралиб турувчи шахслар, ўзининг хатти-харакатлари билан ҳуқуқбузарлик содир этмаса ҳам аммо ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатини келтириб чиқарувчи шахслар. 6-Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни истеъмом қилувчи шахслар, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни истеъмом қилувчи ва ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган моддаларга қарам бўлиб қолган, иродаси заиф бўлган шахслар. 7-Ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган аммо очиқда юришлари белгиланган шахслар ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар аммо шахсий кафиллик ёки бошқа турдаги сабабга кўра очиқда юришлари тайинланган шахслар. 8-Маъмурий ҳуқуқбузарлар ўзининг хатти-харакатлари билан у ёки бу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар. 9-Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар, ҳали маъмурий жавобгарлик ёшига тўлмаган аммо у ёки бу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шу билан биргаликда профилактика инспектори сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган шахслар билан фаолиятини ташкил этишда бир қанча жиҳатларига диққатини қаратмоғи зарур. Сабаби, ушбу салбий иллатлар домига дучор бўлган шахслар руҳиятига кескин ўзгаришлар юзага келади: хулқидаги юқори агрессивлик, яккаланиш, ёлғизликка интилиш, инсонлар билан муносабатларга киришишдан қочиш, ҳиссиётларга тез берилиш, тушкунлик кайфиятининг доимийлиги, ўз-ўзини назорат қила олишнинг етарли эмаслиги, ўзига ишончсизлик, юқори даражада руҳий озорланиш ва бошқалар. Профилактика инспекторлари ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва



заҳарвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида фуқаролар ўртасида тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш жараёнида муомала қонуниятларига риоя этиш лозим. Ғайриижтимоий хулқ – можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва ниҳоят, шахснинг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган.

Шунинг учун ушбу қонуннинг 5-боби. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, 28-моддасида ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан кўпроқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш кўпроқ келган десак бўлади. Жумладан:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади⁵.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади дейилган.

Илмий маълумотларга кўра, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг психологик мазмун ва моҳиятида шахснинг қизиқишлари ҳам ётади⁶. Қизиқишлар инсон хулқ-атвори ва унинг мазмунини белгилайди ҳамда

⁵ Mustofaqlouov B. A. O., Fozilov X. X. O. MAMURIY KUDUDDAGI GAYRIIZHTIMOIIY HULK-ATVORG EGA BOLGAN SHAKHSLAR BILAN ISHLASH FAOLIYATINI TAKOMILLASTIRISH INSPECTORING MAMURIY KUDUDDAGI //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – No 5. – 32-36-betlar.

⁶ Белкин А.С. Внимание, ребенок! Причины, диагностика, предупреждение отклонений в поведении школьников. – Свердловск, 1981. –С. 97-102.

шахсининг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда фаоллигини таъминлайди.

“Субмаданият назарияси”га кўра, одам (асосан ёшлар ва вояга етмаганлар) ўзи билан тенг одамлар гуруҳида яшаб, ушбу гуруҳ, “шайка” қадриятлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади, уларга риоя қилади, ижтимоий маданий қадриятлар тизимига эса эътибор бермайди ва натижада унинг хулқ-атвори ғайриижтимоий қилмишга айланади.

Волков Б.С. Номоконов А.Л.нинг позициясини ойдинлаштириб, ғайриижтимоий хулқ-атвор хусусиятларига кўра жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини қуйидаги 3 гуруҳга бўлади:

а) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусияти билан боғлиқ ҳолатлар;

б) шахсининг ижтимоий интеграциялашуви, унинг ижтимоий психологик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатлар;

в) ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқ-тартиботни ижтимоий-ҳуқуқий тартибга солишдаги ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги камчиликлар боғлиқ ҳолатлар⁷ келтириб ўтилган.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан қуйидаги якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар олиб борилади.

Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади. Профилактика суҳбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади. Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган вакили томонидан ўтказилади. Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахсининг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади. Профилактика суҳбати давомида шахсининг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқатворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади. Илгари ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс

⁷ Волков М. Что нам показывает статистика преступности //Вестник статистики. 1991. №3.

ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади⁸.

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Ушбу қонуннинг 32-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш белгиланган бўлиб, унга кўра:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли деб кўрсатилган. Профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидагиларни ўз ичига олади: профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятига оид таълимотларидан иборат назарий асослари; профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти таъминловчи субъектлардан иборат институционал асослари профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини белгиловчи ҳамда тартибга солувчи норматив- ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат ҳуқуқий асослари профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида жалб этилган куч ва воситалар, уларни қўллаш шакл ва усулларидан иборат ташкилийтактик асослари. профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида режа асосида вазиятдан келиб чиқиб, уларга ижтимоий

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ 371-сон. <https://lex.uz/docs/2387357>.

ёндашиб, ташаббускорлик билан ижросини таъминлаши ва борада ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш да бошқа субъектларнинг хамкорлигидан унумли фойдаланиши лозим.

АҚШ тажрибаси: "Маҳалла ва оила"га кўра АҚШда асосий урғу девиант хулқ-атворга эга шахсларни эрта аниқлаш ва уларга қараб ижтимоий хизматлар кўрсатиш оркали тасир ўтказишга қаратилади. Шахснинг қайта жиноят содир этиш ҳавфини баҳолаш ва шунга қараб якка профилактика дастурини ишлаб чиқади. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш: Шахсга фақат жазо эмас, балки иш топиш ва психолог эрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилган⁹.

Японияда "Кобан" ва "Ҳого-ши" тизимига кўра якка тартибдаги профилактикада иштироки жуда юкори. Булар давлат хизматчиси бўлмаган, маҳалланинг обрўли худуди бўлиб, улар ғайриижтимоий хулқли шахсларга оталик қилади¹⁰. Жиноят содир этишга мойил шахс билан кундалик мулоқот ва унинг шахсий муаммоларини тизимли ҳал қилиш ёки жиноят олди олинади¹¹.

Скандинавия (Шветсия, Норвегия): Динамик ҳафсизлик бу мамлакатларда "Динамис Сесуритй" концепсияси қўлланилади. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлари ва шахс ўртасида ижобий ижтимоий алоқалар ўрнатиш мумкин. Шахсда жамиятга нисбатан адоватни йўқотиш ва ижтимоий машулиятни кузатиш йўга қўйилган.

Буюк Британия: "Ижобий талаблар" 2014 йилги "Антисоциал хулқ-атвор, жиноятчилик ва политсия фаолияти тўғрисида"ги конун асосий ҳужжат ҳисобланади. Фукаролик тақиклари: 10 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўшимча қоидалар. Бу бирон нарсани тақиклаш (масалан, муаян жойга бормаслик), ва мажбурий ижобий текширувни ҳам ўзи пайдо қилади ривожланган курсига бориш. Жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазо сифатида берилади ва шахснинг ғайриижтимоий ҳаёт тарзини ўзгартиради. Жабрланувчига ҳукбузарнинг қандай жазоланишини (масалан, зарарни тиклаш ёки ижтимоий иш) тузатишда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Германия: "Ижтимои терапияси" ва Эрта профилактикаси Германияда асосий урғу шахсни жамиятга қайта мослаштиришга қаратилган. Оғир ғайриижтимоий хулқли шахслар учун маҳсус бўлимлар бўлиб, у эрда психологлар, ижтимоий ишчилар ва тҳерапистлар шахсни англаш фикрини эшитиш устида ишлайди. Ёшлар ўртасида ғайриижтимои хулққа нисбатан

⁹ <https://gemini.google.com/app/2dd77c016225893d?hl=ru>.

¹⁰ <https://gemini.google.com/app/2dd77c016225893d?hl=ru>.

¹¹ <https://gemini.google.com/app/2dd77c016225893d?hl=ru>.



тезкор чора кўриш. Жиноят содир этилганидан сўнг суд ва жазо муддати кескин қискартирилади, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахс ўз қилмиши ва жазо ўташининг боғлиқлигини англаб этади¹².

Франсияда ғайриижтимоий хулқ-атвор кўпинча муайян ҳудудлар давлат ва бошқа ҳокимият ўзининг ташқи кўриниши бўлиб, антисоциал хулқ ҳавфи юкори булган ҳудудларда таълим, бандлик ва спорт дастурларини молиялаштиришни амалга оширади¹³.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги кунда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари билан ҳам кенг қамровли ҳамкорликни амалга ошироқда. Ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари орқали тўғри йўлга қайтариш ишлари амалга оширилади. Бу орқали давлатимизнинг ишончли кўприги бўлган маҳалла тинч бўлади. Маҳалла тинч бўлгандан кейин юртимизда ҳам илмми жамият учун фойдаси тегадиган шахслар етишиб чиқади.

Фойданилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2025 yil Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. <https://president.uz/oz/lists/view/8834>.
2. Mustofaqulov B. A. O., Fozilov X. X. O. MAMURIY KUDUDDAGI GAYRIIJHTIMOIIY HULK-ATVORG EGA BOLGAN SHAKHSLAR BILAN ISHLASH FAOLIYATINI TAKOMILLASTIRISH INSPEKTORING MAMURIY KUDUDDAGI //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – T. 2. – No 5. – 32-36-betlar.
3. <https://gemini.google.com/app/2dd77c016225893d?hl=ru>.
4. угли Ғофуров, Асилбек Аваз, ва Бобур Асрор ўғли Мустофақулов. “ҲУҚИНЧИЯТЛАР профилактикаси хизматида кадрларни таълим олиш самарали тизимини такилиш”. халқаро илмий конференция” илмий илимлар ва инновацион ёндашишлар”. жилд. 1. Ё'қ. 2. 2024 йил.
5. о'г'ли Мустофақулов, Б. А., & о'г'ли Ду'сматов, С. Р. (2024). Озодликни чеклашга ҳукм қилинган ШАХСЛАР БИЛАН ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЖРИБАСИ. New Science Сосиетй Интернационал Ссиентифис Жоурнал нашри янгиликлари , 1 (6), 193-200.

¹² <https://gemini.google.com/app/2dd77c016225893d?hl=ru>.

¹³ <https://gemini.google.com/app/2dd77c016225893d?hl=ru>.

6. Мустофақулов, Б. А. О., & Шодмонов, Д. Э. О. (2025). ПАФТРУЛ ПОСТИ ҲИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САКЛАШ БОЛИНМАЛАРИ БИЛАН ОЗАРО ҲАҚОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАСТИРИШ. Сентрал Асиан Жоурнал оф Мултидисциплинарй Ресеарч анд Манагемент Студиеc , 2 (4), 47-51.
7. Мустофақулов Б. А. О', Тург'унпо'латов А. А. О'. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНИГ ФАОЛЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧЛИК, ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ //Сентрал Асиан Жоурнал оф Мултидисциплинарй Ресеарч анд Манагемент Студиеc. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – Б. 83-87.
8. Mustofaqulov B. A. O., Jumaev S. J. O. PREVENTIAL INSPECTORINING SURUNKALI ICHKILIKBOZLIK VA GIYOKVANDLIKKA RUZHU KOYGAN SHAKHSLAR BILAN ISHLASH BOYICHA PREVENTION TAKOMILLASTIRISH //Central Asian Journal of Multidisciplinary Studies Studies and. – 2025. – Т. 2. – No 4. – 140-146-betlar.
9. Mustofaqulov B. A. O., Eshonqulov Y. X. O. HUQUQBUZARLIKLAR PREVENTION HIZMATINING HUQUQBUZARLIKLAR PREVENTION BOYICHA CHORATADBIRLARNI AMALGA OSHIRISH FAOLYATINI TAKOMILLASHTIRISH //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Studies. – 2025. – Т. 2. – No 4. – 126-132-betlar.
10. Mustofaqulov B. A. O', Do'smurodov M. E. PROFILAKTIK INSPEKTORING HUQUQBUZARLIKLARNING SABABLARI VA SODIR ETILISHIGHA IMKON BERGAN SHART-SHAROITLARNI ANIKLASH VA BARTARAF ETISH TANITISH VA BARTARAF ETISH FAOILLARII FAOILLARII Asianurent. Multidiscipliner tadqiqotlar va boshqaruv tadqiqotlari. – 2025. – Т. 2. – No 4. – 147-153-betlar.
11. Mustofaqulov B. A. O., Turg'unpo'latov A. A. O. HUQUQBUZARLIKLAR profilaktikasi FAOLIYATI USTIDAN JAMOATCHILIK, PARLAMENT VA DEPUTATLIK NAZORATINING SAMARALI MEXANIZMLARINI TAKOMILLASTIRISH Ko'p qirrali Osiyo tadqiqot va tadqiqot jurnali Tadqiqotlar. – 2025. – Т. 2. – No 2-2. – 78-82-betlar.
12. Mustofaqulov B. A. O., Ibragimov A. Sh. O. PREVENTION INSPECTORLARI TOMONIDAN HUQUQBUZARLIKLAR SODIR ETILISHY SABABLARI VA UNGA IMKON BERGAN SHART-SHAROITLAR TOGRISIDA HABARDOR KILISHNI TAKOMILLASHTIRISH //Central Asian Management Journal of Studies Research and Studies Multidis. – 2024. – Т. 2. – No 2. – 22-26-betlar.